







5. Худудий “Қоракўл” уюшмалари ҳар йил якуни билан Қорақалпоғистон Республикаси ва қоракўлчилик субъектлари мавжуд бўлган вилоятлар кесимида қоракўлчилик субъектларидаги чорва молларига келгуси йил учун талаб этиладиган кучли озуқа маҳсулотлари миқдори тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди ва Республика “Қоракўлчилик” уюшмасига тақдим этади.

Талаб этиладиган кучли озуқалар миқдорини аниқлашда ҳар бир қоракўлчилик субъектидаги чорва мол бош сони ва республикамиз худудида куз, қиш ва баҳор ойларида об-ҳавонинг келиши, яъни, ёғингарчилик миқдори ва яйловларнинг ҳосилдорлиги инобатга олинади.

Шунингдек, қайта ишлаш корхоналарига қоракўлчилик маҳсулотларини етказиб берган қоракўлчилик субъектларини рағбатлантириш мақсадида қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилган ёки етказиб берилиши кутилаётган маҳсулот суммасининг 30 фоизига тенг суммадаги кучли озуқалар ҳам йиллик талаб этиладиган кучли озуқалар миқдорига киритилади.

6. Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқади ва умумлаштирган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаментига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаменти Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси томонидан тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқади ва кучли озуқа маҳсулотларини белгиланган тартибда ажратилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўзпахтаёғ” АЖ билан биргаликда ҳар йили қоракўлчилик субъектлари учун ажратиладиган кучли озуқа маҳсулотлари ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси ва қоракўлчилик субъектлари мавжуд бўлган вилоятлардаги омихта ем, пахта шроти ва шелухасини ишлаб чиқарувчи корхоналар кесимида шакллантиради ва тасдиқлайди.

8. “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўзпахтаёғ” АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ойлар бўйича тақдим этилган йиллик талабга асосан тегишли ой учун биржа савдоларига қўйиладиган ҳажмлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли ойнинг 1-санасигача Республика “Қоракўлчилик” уюшмасига ва ўзларининг худудий ташкилотларига юборади.

Бунда, биржа савдоларига чиқариладиган маҳсулотнинг бошланғич нархи сотувчи томонидан декларацияланадиган нарх ва улгуржи сотиш нархи даражасида белгиланади.

Савдолар жараёнида нархлар ошишининг йўл қўйиладиган чегараси бошланғич нархга нисбатан 15 фоизгача миқдорида белгиланади ва нарх 15 фоиздан ошиб кетган тақдирда савдолар тўхтатилади ҳамда сотилмай қолган маҳсулот ҳажми кейинги савдоларга ўтказилади.

9. Биржа савдолари орқали қоракўлчилик билан шуғулланадиган субъектларга сотилиши лозим бўлган кучли озуқа маҳсулотлари ҳажми худудий “Қоракўл” уюшмалари томонидан ҳар ойнинг 3-санасигача Республика “Қоракўлчилик” уюшмасига киритилади.

Бунда, қоракўлчилик билан шуғулланаётган субъектларга ажратиладиган озуқа миқдори чорва моллари бош сони, мазкур ҳудуддаги яйловлар ҳосилдорлиги ва қайта ишлаш ташкилотларига етказиб берилган маҳсулотлар ҳажмига қараб аниқланади.

10. Худудий “Қоракўл” уюшмалари томонидан тақдим этилган қоракўлчилик билан шуғулланаётган субъектлар ва уларга ажратилиши назарда тутилган кучли озуқалар миқдори Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси томонидан ўрганилади ва ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида рўйхат ҳар ойнинг 5-санасигача “Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржаси” АЖга тақдим этилади.

Бунда, ажратилган кучли озуқа маҳсулотларининг фақатгина қоракўлчилик йўналишидаги субъектларга ажратилишига Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси ва ундан мақсадли ва самарали фойдаланилишига худудий “Қоракўл” уюшмалари ҳамда қоракўлчилик билан шуғулланаётган субъектларнинг раҳбарлари масъул ҳисобланади.

11. Сотувчилар ва қоракўлчилик билан шуғулланадиган субъектлар биржага хизмат қилувчи банкдаги ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг иккиламчи талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварағига биржа савдоларига қўйилган озуқа маҳсулоти умумий қийматининг ва мўлжалланаётган келишув ҳажмининг 2 фоизигача бўлган миқдордаги закат кўяди.

12. Биржа савдолари бўйича ҳисоб-китоблар товар-хомашё биржаларида ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

13. Қоракўлчилик билан шуғулланадиган субъектлар томонидан етиштирилган ва қайта ишлаш ташкилотларига етказиб берилган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар худудий “Қоракўл” уюшмалари томонидан ҳар ой якунига кўра келгуси ойнинг 3-санасигача Республика “Қоракўлчилик” уюшмасига тақдим этилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоида**

14. Ушбу Низом қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қорақўлчилик билан шуғулланадиган субъектлар томонидан этиштирилган қўй териси, қорақўл териси ва жунни харид қилиш, шунингдек, уларга озуқа мақсадлари учун омихта ем, арпа дони, пахта шроти ва шелухасини сотиш тартиби тўғрисида низомга илова

**Қорақўлчилик билан шуғулланадиган субъектларга озуқа маҳсулотлари савдоларини ташкил этиш ҳамда озуқа маҳсулотлари етказиб бериш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
I босқич	Қорақалпоғистон Республикаси ва қорақўлчилик субъектлари мавжуд бўлган вилоятлар кесимида қорақўлчилик субъектларидаги чорва молларига келгуси йил учун талаб этиладиган кучли озуқа маҳсулотлари миқдори тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди ва Республика “Қорақўлчилик” уюшмасига такдим этади.	Худудий “Қорақўл” уюшмалари	йил якуни билан
II босқич	Худудий “Қорақўл” уюшмалари томонидан такдим этилган таклифларни ўрганиб чиқади ва уларни умумлаштирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаментига киритади.	Республика “Қорақўлчилик” уюшмаси	йил якуни билан
III босқич	Республика “Қорақўлчилик” уюшмаси томонидан такдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиб, кучли озуқа маҳсулотларини белгиланган тартибда ажратилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига такдим этади.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаменти	йил якуни билан
IV босқич	Қорақўлчилик субъектлари учун ажратиладиган кучли озуқа маҳсулотлари ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси ва қорақўлчилик субъектлари мавжуд бўлган вилоятлардаги омихта ем, пахта шроти ва шелухасини ишлаб чиқарувчи корхоналар кесимида шакллантиради ва тасдиқлайди.	Иқтисодиёт вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” АК, “Ўзпахтаёғ” АЖ	йил бошида

V босқич	Талаб этиладиган кучли озуқа маҳсулотларини биржа савдоларига қўйиладиган ҳажмлар тўғрисидаги маълумотларни Республика “Қорақўлчилик” уюшмасига ва ўзларининг ҳудудий ташкилотларига юборди.	“Ўздонмаҳсулот” АК “Ўзпахтаёт” АЖ	тегишли ойнанинг 1-санасигача
VI босқич	1. Биржа савдолари орқали қорақўлчилик билан шуғулланадиган субъектларга сотилиши лозим бўлган кучли озуқа маҳсулотлари ҳажми ҳудудий “Қорақўл” уюшмалари томонидан Республика “Қорақўлчилик” уюшмасига киритилади. 2. “Қорақўл” уюшмаларига тақдим этилган маълумотларни Республика “Қорақўлчилик” уюшмасига тақдим этади.	Ҳудудий “Қорақўл” уюшмалари	ҳар ойнанинг 3-санасигача
VII босқич	Ҳудудий “Қорақўл” уюшмалари томонидан тақдим этилган қорақўлчилик билан шуғулланаётган субъектлар ва уларга ажратилиши назарда тутилган кучли озуқалар миқдори Республика “Қорақўлчилик” уюшмаси томонидан ўрганилади ва ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида рўйхат “Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржаси” АЖга тақдим этилади.	Республика “Қорақўлчилик” уюшмаси	ҳар ойнанинг 5-санасигача
VIII босқич	Қорақўлчилик билан шуғулланадиган субъектлар томонидан етиштирилган ва қайта ишлаш ташкилотларига етказиб берилган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни ҳудудий “Қорақўл” уюшмаларига тақдим этади.	Қорақўлчилик билан шуғулланадиган субъектлар	ҳар ойда бир марта
IX босқич	Қайта ишлаш корхоналарига қўй тери, қорақўл тери ва жунни етказиб берган қорақўлчилик билан шуғулланадиган субъектларга қўшимча кучли озуқалар ажаратиш бўйича таклиф киритиш.	Қайта ишлаш корхоналари ва ҳудудий “Қорақўл” уюшмалари	йил яқуни билан

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 13 августдаги  
649 – сон қарорига  
2-илова

**Наслчилик қорақўлчилик мақомига эга бўлган жамиятларда келгусида насл олиш  
учун фойдаланилмайдиган қари она (совлик) қўйларни марказлаштирилган  
тартибда гўшт учун боқиш ҳамда экспортбоп қорақўл тери ва сифатли гўшт  
етиштириш режаси**

т/р	Худудлар	Бўрдоқиланадиган қари она қўйлар сони, бош	Экспортбоп қорақўл териси ишлаб чиқариш, тона	Гўшт ишлаб чиқариш, тонна
1	Бухоро	15000	9000	270
2	Қашқадарё	12000	7200	216
3	Навоий	18000	10800	324
4	Самарқанд	5000	3000	90
<b>Жами:</b>		<b>50000</b>	<b>30000</b>	<b>900</b>

